

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 14 апрель, № 77 (8139)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВЛАР

Муқаддас Рамазон ойи муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари, таниқли давлат ва дин арбобларидан қутловлар келмоқда.

Табриқномаларда хорижий ҳамкорлар томонидан дўст Ўзбекистон халқига тинчлик, осойишталик, барқарорлик ва тараққиёт тилаклари изҳор этилган. Ушбу қутлуғ кунлар мамлакатимиз ва минтақамизнинг бугун мусулмон умматига фаровонлик, раҳнақ олиб келиши алоҳида қайд этилган.

- Жумладан, куйидагилар ўз табриқларини йўлаган:
- Саудия Арабистони Подшоҳи **Салмон ибн Абдулазиз Ол Сауд**
 - Миср Араб Республикаси Президенти **Абдулфаттоҳ ас-Сиси**
 - Эрон Исломи Республикаси Президенти **Иброҳим Раисий**
 - Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**
 - Кувайт Давлати Амири **Наваф ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**
 - Ўмон Султони **Хайсам бин Торик**
 - Баҳрайн Подшоҳи **Ҳамад бин Исо Ал Халифа**
 - Иордания Подшоҳи **Абдулла II**
 - Марокаш Подшоҳи **Муҳаммад VI**
 - Сурия Араб Республикаси Президенти **Башар Асад**
 - Саудия Арабистони Подшоҳлиги валиаҳди, Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари, мудофаа вазири **Муҳаммад ибн Салмон ибн Абдулазиз Ол Сауд**
 - Бирлашган Араб Амирликлари Куролли кучлари Олий бош қўмондони ўринбосари, Абу-Даби Амирлиги валиаҳди **Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**
 - Кувайт Давлати валиаҳди **Мишаал ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**
 - Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими **Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**
 - Миср Бош имоми, "Ал Азҳар" мажмуаси раҳбари шайх **Аҳмад Таййиб**.

Қутловлар келишда давом этмоқда.

ШАҲАРДА ЯШАЁТГАН ҚИШЛОҚ ОДАМЛАРИ



Сардоба томонларда



Тошкент — Термиз автомагистралдан Янги Тошкент маҳалласи томон бурилишда аёл йўловчи қўл кўтариб, "олиб кетинг" ишорасини қилди. Машинага ўтиргач: — Раҳмат, яхши бўлди, тезроқ уйимга етсам деб турган эдим. Бугун туни билан тинганимиз йўқ, туғуруқ кўп бўлди, — деди шоша-пиша. Айтишича, аёл Оқолтин тумани тиббиёт бирлашмасининг туғуруқ мажмуасида ҳамшира бўлиб ишлар, тунги навбатчиликдан қайтаётган экан. Имкониятдан фойдаланиб, йўл-йўлакай ундан Сардоба сув омборида юз берган техноген ҳодисадан сўнг ўтган икки йилда маҳалла ва одамлар ҳаётида қандай ўзгаришлар бўлганини сўрадик.



— Бир ёмоннинг бир яхисини ҳам бор, деганлари тўғри экан, — деди ўзини Нарғиза Ботирова деб таништирган ҳамроҳимиз. — Мана, ҳозир уйга қираману йиғилиб қолган рўзгор ишларини ҳеч қўялмай, бир зумда бажараман. Ўтин ёқиб, иссиқ сув тайёрлашга ҳожат йўқ. Уйимизни таъмирлаб берган қурувчи-усталар ҳар бир хонадонга алоҳида-алоҳида иситиш, иссиқ ва совуқ сув тизим-

ларини ўрнатиб беришган. Илгаридек сув учун челақ кўтариб кўчага чиқилмайди. Хонадонимиз ичда бир эмас, бир нечта хўрақлар бор. Табиий газда узилши бўлмаётганини айтмайсизми?! Яна ҳовлимиз, уйимиз худди янги қурилган иморатдек чиройли бўлиб қолди. Қўнғимиз тўқ, турмушимиздан минг қарра розимиз!



БИЗ ва ЖАҲОН



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ИХТДАГИ ТАШАББУСИ ТАШКИЛОТ КОТИБИЯТИ ВА АЪЗО МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ДОИМИЙ ВАКИЛЛАРИ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Ўзбекистоннинг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига (ИХТ) раислиги муносабати билан Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йилни ИХТда Узаро ўзватий боғлиқликни мустаҳкамлаш йили, деб эълон қилишни таклиф этган эди.

Ўзбекистон Президентининг мазкур ташкилот доирасида муайян соҳани ривожлантириш бўйича ҳар йилга ном бериш аъно-анасини жорий этиш ташаббуси катта қизиқиш билан қабул қилинди ва ташкилотга аъзо барча мамлакатлар томонидан бир

овоздан қўллаб-қувватланди. Шу муносабат билан ташкилотга аъзо мамлакатларнинг расмий вакиллари ҳамда ИХТ бош котиби ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришда давом этмоқда.



ДАВЛАТ ҚАРЗИ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАР ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА КЕЛТИРИЛДИ

Замонавий шароитда давлат қарзи дунёнинг аксарият мамлакатлари молиявий тизимларининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Шу сабабли, қарз сиёсатининг устувор йўналишлари, улар доирасида давлат қарзини шакллантириш ва унга хизмат кўрсатиш ҳамда ҳуқуқий тартибга солиш алоҳида аҳамият касб этади.

Нўқтаи назар

Мамлакат учун қарз олиш ижобий ва салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бир томондан, қўшимча маблағларни жалб этиш мамлакатда аҳоли истеъмол қобилиятини ошириш орқали ишлаб чиқаришга қилинадиган инвестицияларни рағбатлантиришга таъсир қилиб иқтисодий ўсish ва иқтисодий фаолликка олиб келса, иккинчи томондан, давлат қарзига хизмат кўрсатиш харажатлари ресурсларнинг чиқиб кетишига сабаб бўлиб, иқтисодий ўсish ва ижтимоий ривожланишнинг функционал икки томонламалигини ҳисобга олган ҳолда, унинг давлат учун аҳамияти объектив баҳолашни керак бўлади. Давлат қарзи жамият ва давлатнинг иқтисодий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ҳаётига маълум даражада

таъсир кўрсатади, шунинг учун давлат автоматик равишда уни бошқариш функцияларига эга. Давлат қарзини бошқариш мақсадли фаолият бўлиб, мамлакатнинг қўшимча молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжлари ва уларни жалб қилиш, уларга хизмат кўрсатиш ва тўлаш харажатлари ўртасидаги оптимал мувозанатни топишга қаратилган. Жаҳон иқтисодиётида мамлакатлар ўртасида рақобатнинг кучайиши, Давлат бюджети сиёсатидан иқтисодий ўсish ва ижтимоий ривожланиш манфаатлари йўлида фойдаланишга интилиши давлат қарзини бошқариш сифатига қўйилган талабларни оширди. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар таърибида давлат қарзини бошқаришнинг ташвилий-ҳуқуқий тузилмалари такомиллаштирилгани,

уларга аниқ ваколат ва функциялар берилгани, ахборотнинг ошқинчи, таъши аудиторлар ва жамият олдидаги ҳисобдорлиги такомиллашганидан далolat беради. Бунда давлат органларининг асосий эътибори ўзларининг ички ва ташқи мажбуриятларини қондириш мақсадида инвесторларнинг кенг базасини шакллантиришга, давлат қўмматли қозғаларининг изчил ва самарали бирламчи ҳамда иқтисодий бозорини ривожлантириш муаммоларини ҳал этишга, унинг шаффофлигини оширишга ва инвесторларни ҳамроҳ қилишга қаратилган.

Ривожланаётган мамлакатларда давлат қарзини бошқариш сифатини оширишнинг долзарб муаммоси қарздорлик даражасини пайсотириш, қарз маблағларидан фойдаланишда иқтисодий ва ижтимоий даромадларни ошириш билан бир қаторда, амалга оширилётган молиявий-иқтисодий сиёсат учун масъулиятни кучайтириш, жамият тараққиётининг асосий иқтисодий-иқтисодий параметрлари бўйича сиёсатнинг узлуксизлигини таъминлаш ва консенсусга эришиш, низоли масалаларни тинч йўл билан ҳал этишдан иборатдир.



Мулоқот

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА СЕЗИЛАРЛИ ЮТУҚЛАРГА ЭРИШИЛГАН

Куни кеча Марказий Осиё давлатлари етакчи аёллари мулоқотининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилган ушбу нуфузли тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т. Норбоева, Туркменистон Милли Генгеши Межлиси Раиси Г. Мамедова, Қозғистон Республикаси Парламенти Раиси ўринбосари Б. Кесембаева, Тожикистон Республикаси ҳукумати ҳузуридаги Хотин-қизлар ва оила масалалари қўмитаси раиси Х. Қурбонзода, Қирғиз Республикасининг БМТдаги доимий вакили А. Касималиева, БМТ Бош котибининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Н. Герман, "БМТ-аёллар" тузилмасининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий директори

А. Эл-Яссир ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди. Йиғилишда Марказий Осиё давлатларининг гендер тенгликни таъминлаш борасида эришган ютуқлар юзасидан фикр алмашилди. Мулоқот давомида Т. Норбоева 2022 йилда Туркменистонни мазкур платформага раислик қилаётгани билан табриқлаб, тузилма фаолиятидаги Хотин-қизлар ва оила масалалари қўмитаси раиси Х. Қурбонзода, Қирғиз Республикасининг БМТдаги доимий вакили А. Касималиева, БМТ Бош котибининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Н. Герман, "БМТ-аёллар" тузилмасининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий директори



Муносабат

МУБОРАК ОЙ МОҲИЯТИГА МОНАНД ТАШРИФ

Бисмиллаҳир Раҳманир Раҳим.

Президентимиз 8 апрель куни Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида олиб борилаётган бунёдкорлик ва маҳаллаларни ободонлаштириш ишлари билан танишди. Албатта, муборак Рамазон ойининг биринчи жумасида амалга оширилган ушбу ташрифта катта раъзий маъно бор. Чунки Рамазон ойлар ичда энг улуғи бўлса, жума кунларнинг саййидидир. Шу боис бу кунларда қилинган ҳар қандай эзгу амал, албатта, хайрли натижа беради.

Рамазонда яхши амалларнинг ажру савоби бир неча баробарига кўпайтириб берилади. Рамазон ҳақида Салмон Форсийдан ривоят қилинган узун ҳадисда жумладан: "Қим унда икхтиёр ривийда бир яхши иш қилса, худди бир фарзани адо этгандек бўлади. Қим унда бир фарзани адо этса, худди етмишта фарзани бажаргандек бўлади", дейилган.

Давлатимиз раҳбари ташриф давомида Исломи цивилизация маркази қурилиш жараёнини кўздан кечириб, бу марказ халқимизнинг маънавий ва маърифий кудратли тимсоли бўлиб қолишини таъкидлади. Олмазор туманидаги Университет маҳалласига ташриф чоғида маҳалла фаоллари, нурунийлар билан суҳбатлашиб, уларни Рамазон ва маҳалласининг обод бўлгани билан табриқлади.



Ватандай мангу оҳанглар

Ўзининг ноёб истеъдоди, кўп йиллик самарали ва бетакрор ижоди билан ўзбек қўшиқчиликлари санъатини ва миллий маданиятимизни ривожлантириши, унинг шон-шухратини дунё халқлари ўртасида кенг тарғиб этишига қўшган беқийёс ҳиссаси ҳамда таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраевнинг куни кеча Президентимиз Фармонига кўра, "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан тақдирланиши унинг санъатига берилган лойқасалар баҳодир.

«БУЛБУЛЛАР ИЧИНДА ТИНМАС ЗАБОНМАН...»

Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган газал "булбуллар ичинда тинмас забон" ҳофизимизга, Ўзбекистон халқ артисти, Навоий бобо номи билан мангуликка муҳрланган Давлат мукофоти соҳиби Шерали Жўраевга бағишлангани билан мен учун гоят қадрлидир.

Бир замонлар, аниқроғи, тарих санаси ўтган XX асрнинг етмишинчи йиллари бошларида, биз — тўққизинчи-унинчи синф ўқувчиларининг сурур ва орзуларга лиммо-лим

ўсмир қалбларимизни аввалига "Мен кетганда анча ёш эдинг, боғбон қизи гуллар эркаси" қўшиғи билан тамомила забт этган, ундан сўн "Биринчи муҳаббатим"ни айтиб, барчамизни муҳаббат ва "англаб бўлмас сир" оламига йўллаган санъаткоримиз Шерали ака эканини унутмаган ҳолда, айтиш мумкинки, бутун бошли авлодлар, "миллион эгталарга сочилган ўзбек" бу қўшиқлар руҳида тарбияланди, камол топди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТ МАСЪУЛИЯТИ

Халқ ўзи сайлаган номзоднинг иш фаолияти билан танишиш, қабул қилинаётган қонун лойиҳаларига таклифлар бериш ҳуқуқига эга. Айнан мана шу масъулиятни ҳис қилган, республиканинг 150 округидан сайланган депутатлар парламент қўйи палатасида 12 та қўмитада янги қонун лойиҳалари билан доимий жиҳдий шугулланишади. Ишчи гуруҳ муҳокамалари, қонун лойиҳалари бўйича ташкил этиладиган семинарлар билан бир қаторда, ўз ҳудудларидан келган ёзма ва электрон аризалар билан ишлашади.

Бундан ташқари, фуқаролар қабулхонасида аризага ҳам ишонмай "депутатим билан юзма-юз гаплашаман" деган мурожаатларни қабул қилишади. Аслида-ку, қонун лойиҳалари устида ишлашнинг ўзи катта иш. Қонунчилик палатаси депутатининг асл фаолияти ҳам шу. Таклиф этилаётган қонун лойиҳасини амалиёт билан таққослаш, камчиликларини бартараф этиш чораларини кўриш, ҳаммага бирдек тушунарли ва самарали натижа берадиган нормаларни киритиш устида ишлаш катта куч ва билимни талаб қилади.

Шунингдек, сайлов округида аҳоли билан учрашиш жараёнида аниқланган муаммолар тегишли вазирлик ва идораларга мурожаат орқали назоратга олинади. Бировнинг муаммоси билан яшаш, дардини ўз дарди деб қабул қилиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш йўлида ҳаракатда бўлиш бу, фидойий инсонларнинг иши аслида. Баъзида айрим фуқаролар эътироз ҳам билдиради: "Нукул мажлис қиласизлар, аҳоли билан ишлаш керак" қабилида.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ИХТДАГИ ТАШАББУСИ ТАШКИЛОТ КОТИБИЯТИ ВА АЪЗО МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ДОИМИЙ ВАКИЛЛАРИ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Хусусан, яқинда Эроннинг Хормозган вилоятидаги Бандар Аббос шаҳрида бўлиб ўтган ИХТга аъзо мамлакатлар Доимий вакиллари кенгашининг сайёр йиғилиши чоғида **ИХТ Бош котиби Хусрав Нозирий** Ўзбекистон Президентининг 2022 йилни ташкилот мақомида ИХТда ўзаро узвий боғлиқликни мустаҳкамлаш йили, деб эълон қилиш буйича ташаббуси ИХТ минтақасидаги транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, товарларнинг тўқсиз транзитини таъминлаш, рақамли процедураларни жорий этиш, шунингдек, интеграциялашган автомобиль, темир ва денгиз йўллари, ҳаво тармоқларини яратишга кучли туртки беришини қайд этди.

Бош котиб ИХТ Котибиятининг кун тартиби автомобиль, темир йўл, денгиз транспорти, шунингдек, фуқаро авиацияси соҳасида кенг кўламли тадбирлар, дастур ва лойиҳаларга эга эканини таъкидлади.

Эроннинг ИХТдаги доимий вакили Саид Алави Эрон Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 15-16 июль кунлари Тошкентда ўтказилган «Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар» халқаро конференцияси доирасида илгари сурган БМТнинг Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш буйича махсус резолюцияси лойиҳасининг қабул қилинишини тўла қўллаб-қувватлашни таъкидлади.

У, шунингдек, ўзаро узвий боғлиқликни мустаҳкамлаш йилида транспорт ва коммуникацияларни ривожлантириш масалалари ИХТ фаолияти доирасида тобора долзарб аҳамият касб этаётганини билдирди.

Озарбайжоннинг ИХТдаги доимий вакили, элчи **Али Ализода** ҳам Ўзбекистон Президентининг ўзаро узвий боғлиқликни мустаҳкамлаш йилини эълон қилиш буйича ташаббусини қўллаб-қувватлар экан, ИХТ минтақасида транспорт-коммуникация соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш, амалга ошириладиган ва режалаштирилган барча лойиҳаларни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишга чакўрди.

ИХТ Транспорт ва коммуникациялар департаменти директори **Ақбар Ходжий** Ўзбекистон раҳбарининг тақлифи ИХТ транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, халқаро юклар транзити, темир йўл, денгиз ва ҳаво алоқаларини кенгайтириш, шунингдек, ИХТга аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш ва ички савдонни ошириш учун янги туртки беришини ҳамда истиқболли имкониятлар яратишини таъкидлади.

«Дунё» АА. Төхрон



Эроннинг ИХТдаги доимий вакили Саид Алави Эрон Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 15-16 июль кунлари Тошкентда ўтказилган «Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар» халқаро конференцияси доирасида илгари сурган БМТнинг Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш буйича махсус резолюцияси лойиҳасининг қабул қилинишини тўла қўллаб-қувватлашни таъкидлади.

Озарбайжоннинг ИХТдаги доимий вакили, элчи Али Ализода ҳам Ўзбекистон Президентининг ўзаро узвий боғлиқликни мустаҳкамлаш йилини эълон қилиш буйича ташаббусини қўллаб-қувватлар экан, ИХТ минтақасида транспорт-коммуникация соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш, амалга ошириладиган ва режалаштирилган барча лойиҳаларни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишга чакўрди.

ИХТ Транспорт ва коммуникациялар департаменти директори Ақбар Ходжий Ўзбекистон раҳбарининг тақлифи ИХТ транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, халқаро юклар транзити, темир йўл, денгиз ва ҳаво алоқаларини кенгайтириш, шунингдек, ИХТга аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш ва ички савдонни ошириш учун янги туртки беришини ҳамда истиқболли имкониятлар яратишини таъкидлади.

«Дунё» АА. Төхрон

МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ САЙЛОВИ

муқобиллик ва тенг ҳуқуқлилик принциплари асосида ўтказилади

Маълумки, шу йилнинг май ойида юртимизнинг барча ҳудудда муҳим сиёсий тадбир — Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови бўлиб ўтади.

Тараддуд

Бу Олий Мажлис Сенати Кенгашининг «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарориди белгилаб қўйилган бўлиб, айни пайтда шу асосида кенг кўламли тайёргарлик ишлари олиб борилаётган.

Муқобиллик ва тенг ҳуқуқлилик принциплари асосида ўтказиладиган бу галги сайловда 9 минг 349 та фуқаролар йиғини раиси сайланиши назарда тутилган.

Шу ўринда бу лавозимга кимлар сайланиши мумкинлиги хусусида тушунчалар бериб ўтсак. Қонунийликмига кўра, фуқаролар йиғини раиси сайловига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этиши ихтиёрий ва эркин ҳисобланади. Айни чоғда фуқароларни сайловда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка мажбур қилиш мақсадида таъсир кўрсатишга ёки уларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришига таъсир кўрсатишга ҳеч қим ҳаққи эмас. 18 ёшга тўлган, шаҳарча, қишлоқ, овул, шунингдек, шаҳардаги, қишлоқдаги, овулдаги маҳалла ҳудудида доимий яшовчи фуқаролар сайлаш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Фуқаролар йиғини раиси сайлови икки ва ундан кўп номзод кўрсатилган ҳолда амалга оширилади.

финлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ масалалар буйича ахборотни эшитади; ● тегишли ҳудудда фуқаролар йиғинлари раислари сайлови якунларини чиқаради ҳамда Республика комиссиясига ахборот тақдим этади; ● фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари буйича фуқароларнинг мунозараларини кўриб чиқади ва ҳ.к.

«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасида Фуқаролар йиғини раиси сайловини ташкил этиш ва ўтказиш учун фуқаролар йиғини қарори билан ишчи гуруҳ тузилиши ҳам белгиланган. Фуқаролар йиғини раисининг навбатдаги сайлови эълон қилингандан кейин ишчи гуруҳ ўз фаолиятини тугатади.

Маъмур ишчи гуруҳ томонидан бажариладиган ишлар куйидагилардан иборат:

- фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари йиғилиши) ўтказиладиган сана, вақт ва жойини белгилайди ҳамда уни ўтказишда камиди 5 кун олдин бу ҳақда тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларни хабардор қилади;
- ҳовлилар, уйлар, кўчалар аҳолисининг фуқаролар вакиллари сайлови буйича умумий йиғилишларини ташкил этади ва ўтказиши;
- ҳовли, уй ва кўчалар аҳолисининг умумий йиғилиши иштирокчиларини рўйхатга олади, фуқароларнинг сайланган вакиллари ҳақида маълумотларни қўриб чиқариш учун тегишли комиссияга тақдим

ишчи гуруҳ туман ёки шаҳар ҳокимининг ҳулосасини олгандан кейин фуқаролар йиғини раиси лавозимига келишилган номзодлар ҳақида ахборотни сайловдан камиди 5 кун олдин фуқаролар йиғини раисига ва гузарларга осиб қўяди.

Юқорида номи келтирилган Қонуннинг 17-моддасида белгиланганидек, фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши, қоида тариқасида, олий маълумотга эга бўлиши, бевосита сайловга қадар камиди 5 йил тегишли ҳудудда доимий яшайдиган бўлиши, ташкилотчилик қобилияти, давлат органларида ёки нотижорат ташкилотларида ёхуд тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасида ҳамда ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Фуқаролар йиғини раисини сайлаш яширин овоз бериш орқали амалга оширилади. Фуқаролар санъат комиссияси томонидан фуқаролар йиғини раиси лавозимига ҳар бир номзод буйича санаб чиқилади. Овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг ярмидан кўпрогининг овозини олган номзод фуқаролар йиғини раиси лавозимига сайланган, деб ҳисобланади.

Кўриниб турибдики, айни пайтда юрдошларимиз масъулиятли палла арафасида турибди. Ҳар қим ҳим ўзи яшайдиган маҳалла учун энг муносиб номзодни танлаши ва шу орқали Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўиш имконига эга.

Ариқул СОАТОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ЮРТИМИЗДА ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛГАН

Кеча пойтахтимизда «Ўзбекистон тараққиётида парламентдаги аёлларнинг роли» мавзусидаги иккинчи форум бўлиб ўтди. Таъдир Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари буйича республика комиссияси, Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ҳамда ЕХХТ ҳамкорлигида ташкил этилди.

Форум

Тадбирда Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева нутқ сўзлаб, сўнгги йилларда мамлакатимизда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар яратиш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда уларнинг тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, уларни ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга ошириладиганини таъкидлаб ўтди.

Айтиш жоизки, шу кунга қадар республикамизда бу соҳада халқаро ҳуқуқ нормалари ва стандартларга мувофиқ 2 та кўнун, 40 га яқин қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинган.

Бугунги кунда парламентда хотин-қизлар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражада бўлиб, 32 фоизни ташкил этмоқда. Хотин-қизларнинг бошқарув лавозимидagi улуши 27 фоиз, сиёсий партияларда эса 44 фоизга етди.

Миллий дастур ва 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясининг жойлардаги ижросини самарали ташкил этиш муҳим аҳамиятга эгалиги иштирокчилар томонидан алоҳида айтиб ўтилди.

Форумда хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини фаоллаштириш, уларни давлат бошқаруви идораларида қарорлар қабул қилиш даражасида ишлашига эришишга оид тақлиф ҳамда фикр-мулоҳазалар билдирилди, шунингдек, иштирокчилар янги фойларни кўриб чиқиш учун тўртта йўналишда муҳокамаи давом эттирди.

Хусусан, маҳаллий Кенгашларнинг ёшлар сийасати, хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари буйича доимий комиссиялари фаолияти самарадорлиги масалалари, ёшлар парламенти аъзоларининг маҳаллий ижро органлари билан самарали ишлаши тизими, атроф-муҳит муаммоларини ҳал этишда ва экологик сийасат юритишда аёлларнинг ўрнини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қилинди.

Форум якунида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва тақлифлар умумлаштирилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА СЕЗИЛАРЛИ ЮТУҚЛАРГА ЭРИШИЛГАН

Ўз навбатида, Н. Герман мулоқот платформаси жаҳон миқёсида тобора танилиб бораётганини, бунда тузилмага Ўзбекистон раислик қилган давр муҳим аҳамият касб этаётганини билдирди.

А. Эл-Яссир эса Ўзбекистоннинг мулоқотида раислиги ва аёлларни қўллаб-қувватлаш масаласида минтақада етакчилик қилаётгани платформани муҳим сиёсий даражага олиб чиқганини алоҳида эътироф этди.

Шу ўринда маълумот

«Халқ сўзи».

СЕНАТОРНИНГ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИГА ХИЗМАТ САФАРИ ҚАНДАЙ КЕЧДИ?

Яқинда Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р. Сиддиқов бир неча кун давомида Жиззах вилоятида бўлиб, ўрганиш ишларини олиб борди.

Ўрганиш

Айни жараёнда Сенатнинг йиғирма тўртинчи ялпи мажлисида маълумланган қонунлар ва кўриб чиқилган бошқа масалалар мазмун-моҳияти ва ислохотларнинг ҳозирги босқичидаги ўрни ва аҳамияти тушунтирилди. Шу билан бирга, жорий йилнинг май ойида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ҳамда қорвачилик ва ипакчилик соҳасини ривожлантириш буйича 2022 йилда белгиланган устувор вазифалар доирасида амалга ошириладиган ишлар ҳолати атрофича ўрганиб чиқилди.

Хусусан, халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология буйича доимий комиссияси йиғилиши ўтказилиб, унда ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда Президентнинг 2022 йил 8 февралдаги қарори ижросини таъминлаш буйича амалга оширилган ишлар тўғрисида вилоят Ветеринария ва қорвачиликни ривожлантириш бошқарма-

си бошлиғи Рустам Муратовнинг ҳисоботи эшитилди. Шундан сўнг Жиззах шаҳрида Сенат аъзоси иштирокида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик жараёнлари билан танишиш ва сайловнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари муҳокама-сига бағишланган давра суҳбатига қатнашди.

Ўз навбатида, сенатор Фаллаорол туманидаги «Шоҳрух агро замин» фермер хўжалиги фаолияти билан яқиндан танишди. «Булоқбоши» қишлоқ фуқаролар йиғинида эса аҳоли мунозаралари тинглаб, уларни масъуллар иштирокида кўриб чиқди.

Умуман олганда, сенаторнинг Жиззах вилоятида олиб борган ўрганиш ишлари самарали кечди.

«Халқ сўзи».

ДЕПУТАТ МАСЪУЛИЯТИ

Бу даргоҳ ўз номи билан Олий Мажлис ва бу ерда ҳар қандай муҳокама мажлисида ҳал бўлади, бешта бир-биридан фарқли сиёсий партиялар фракцияларида аниқ тўхтама келинади. Бу ҳам сайловчилар учун қилинаётган ҳаракат.

Хар кунни Қонунийлик палатасида ишланаётган қонун лойиҳалари буйича ўндан ортик ишчи гуруҳ йиғилишлари, тадбирлар ташкил этилади.

Тиббий хизмат кафолатланадими?

Бугунгача ўрганилган ҳолат, аҳолидан келиб тушган мунозаралар тиббий хизмат кўрсатиш тизимини қайта ислоҳ қилишни тақозо қилмоқда. Шундан келиб чиқиб ва мамлакатимиз раҳбарининг тиббий тизими ҳодимлари билан ўтказган очик мулоқотида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Фуқаролар соғлигини сақлаш қўмитаси томонидан аҳолига бепул тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, рақамлаштирилган тизимга босқичма-босқич ўтиш буйича семинар ташкил этилди.

Семинарда Сирдарё вилояти мисолида қўмита томонидан ўрганишлар натижасида аниқланган муаммоларни бартараф этишнинг амалий тавсиялари берилди. Бунда бирламчи тиббий муассасаларнинг давлат томонидан белгиланган ижтимоий кўмакка қай даражада тайёрлиги, моддий-техника базасини янгиллаш, қадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида уларни қайта ўқитиш, энг асосийси, кафолатланган тиббий суғурта тизимини йўлга қўйиш соғлиқни сақлаш тизимида мутлақ янги моделини яратишда жуда муҳим эканлиги таъкидланди.

Тадбирда иштирок этган ЖССТ эксперти ҳам тиббиётда электрон тизимни йўлга қўйиш ижобий натижа бериши, турнақатор навбатларнинг олдини олиши, аҳолига ўз вақтида сифатли хизмат кўрсатишга ёрдам бериши борасида дунё тажрибасидан мисоллар келтирди. Электрон поликлиникалар эса беморларга шифокор билан учрашиш вақтини белгилаш, тор доирадаги мухтассислар кўмагини тақлиф этиш, даволашни буйича ордер сўраб мунозарат қилган беморга даволашнининг аниқ санасини белгилаб бериш имкониятини яратди.

Мамлакатимиз раҳбарининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели

ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориди аҳолининг соғлиқ кўрсаткичлари мониторингини олиб борилиши, давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизмат ва дори воситалари пакетини ишлаб чиқиш, тиббий суғурта қилиш вазифалари илгари сурилган. Шунга мувофиқ, семинарда ўрганилган тажрибани республикамизнинг 6 ҳудудида эксперимент сифатида жорий этишга келишиб олинди.

Халқ вакиллари деҳқон хўжаликлари иши билан танишми?

Олий Мажлис Қонунийлик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзолари ер муносабатларини тартибга солишни қонунларнинг ижро этилиши ҳолати устидан депутат назоратини кучайтириш мақсадида «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг ижро этилиши ҳолатини Бухоро ва Наманган вилоятлари мисолида ўрганди.

Таъкидлаш жоиз, мамлакатимизда деҳқон хўжалиги ўз ихтисослашувини, жумладан, қишлоқ хўжалиги экинларининг турлари ва ҳажмларини, уларни етиштириш ҳамда агротехник тадбирларни ўтказиш усулларини мустақил равишда белгилаш буйича тизим яратилган. Шунингдек, соҳани қўллаб-қувватлаш мақсадида деҳқон хўжалиқларига қулай шарт-шароитлар яратилиб берилаётган.

Хусусан, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган урул-лик, минерал ўғитлар ҳамда ёқилги-мойлаш материалларини сотиб олишда деҳқон хўжалиқлари қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари билан тенг ҳуқуқларга эгадир.

Ўрганишларда депутатлар мамлакатимиздаги янгиликлар билан чамбарчас равишда деҳқон хўжалиги бозордаги талаб ва тақлифдан келиб чиқиб махсулот ишлаб чиқараётганига гувоҳ бўлдилар. Шунингдек, ўз маҳсулотларига меҳнати ва харажатларидан келиб чиқиб нарх белгилаш мустақиллигига эришилгани эътироф этилди.

Шунингдек, деҳқон хўжалиги бошлиғи те-

гишли ташкилотлар билан белгиланган тартибда тўғридан-тўғри шартномалар тузиши, биржа савдоларида иштирок этиши қонун доирасида мустаҳкамлаб қўйилгани деҳқон хўжалиқлари томонидан ижобий баҳоланди.

Депутатлар ўрганишларда деҳқон хўжалиқлари томонидан ер участкаларидан самарали фойдаланиш, деҳқончилик маданиятини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлаш учун яратилган шарт-шароитлар, соҳада ресурсларни тежовчи агротехнологиялар, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ҳолатларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Шунингдек, деҳқон хўжалиқлари раҳбарлари тақлифларини ўрганиш, зарур ҳолларда тавсиялар бериш, соҳадаги муаммоларни таҳлил этиш ҳам доимий эътибор марказида.

Мурожаатлар буйича эътироз билдирилди. Нега?

Аҳоли мунозаралари билан ишлаш, уларнинг мониторингини олиб бориш, асосли мунозарат ижросини таъминлаш даражасидаги аниқ жавоб қайтариш тизимнинг асосий вазифаси. Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан биринчи чорак якунларига бағишланган йиғилишда айни мақсадга алоҳида эътибор қаратилди.

Қўмитага келиб тушган мунозаратлар ҳар чорак якунида мутасадди ташкилотлар ва қўмита аъзолари ўртасида муҳокама қилинади. Айнан қайси йўналишда мунозаратлар сони кўпчилик, ижобий ҳал қилинганлари неча фоизни ташкил этди, қайси мунозаратга вазирлик ва идоралар томонидан юзаси жавоб берилди ёки ўз вақтида жавоб қайтарилмади — муҳокама марказида шу саволлар бўлди. Чорак якунига кўра, энг кўп мунозарат Бухоро, Сирдарё вилоятлари



ҳамда Тошкент шаҳридан келиб тушган. Аниқланган ҳолатлар буйича қўмита томонидан ишлаб чиқариладиган тизимни назорат олиш буйича хат тайёрланди.

Мурожаатлар билан ишлаш тизимидаги энг катта камчилик — бирор-бир соҳанинг қуйи бўғини фаолиятдан норози бўлиб депутат томонидан юқори турувчи ташкилотга хат юборилганда, мунозарат яна қуйи тизимга йўлланади. Бундай ҳолатда ҳеч қандай натижага эришиб бўлмади. Қўмита аъзолари томонидан хатларга жавоб йўллашнинг ушбу оммалашган тизими қаттиқ танқид қилинди. Қайси йўналишда мунозарат кўпайса, бу ўша тизимда ишнинг тўғри ташкил қилинмаганидан дарак. Йиғилиш давомида халқ қабулхоналари фаолиятини ўрганиш ва кўп мунозарат келиб тушган вазирлик ва идораларнинг эшитувини ташкил этишга келишилди.

Аҳоли илмозсизлигидан, қайсидир жойда ҳуқуқлари поймол қилингандан наҳот истаб мунозарат этади. Бу умидни сўндиришга, муаммоларга панжа орасидан қарашга ҳеч қимнинг ҳаққи йўқ. Мурожаатлар кўпайишини ҳар бир мутасаддилар ўз фаолиятига берилган баҳо сифатида қабул қилгандагина соҳада ижобий натижаларга эришиш мумкин. Йиғилишда эшитувларни ташкил қилиш, хатларга ўз вақтида масъулият билан жавоб қайтаришга эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Анвар ЭҒАМҚУЛОВ, Олий Мажлис Қонунийлик палатаси Девони масъул ходими.

«БУЛБУЛЛАР ИЧИНДА ТИНМАС ЗАБОНМАН...»



Кейин эса "Келмай баҳор чаманларни қор уйготарму?...". "Осиё кўйида машъал, Ўзбекистон дейдилар", "Кетма баҳор, менинг боғимдан", "Ўзбегим", "Ватандин яхши ёр бўлмас", "Библи кўй, шерларнинг макониданман", "Анджоним қолди менинг", "Дунёни қизганма мендан, азизим", "Яхшидир аччиқ ҳақиқат", "Излаганлар бизни сажройи балодан излангиз", "Инсон ўзинг", "Қаддинг кўтар, она Туркистон", "Амир Темур давлатидандир", "Она юрт Ўзбекистон, олтинга топилмагай", "Онагинам" сингари ҳар бири миллионлаб юртдошлар қалбидан жой олган воқеа кўшиқлар дунёга келди.

Кўшиқ айтиш мумкин бўлмаган темирқасас замоналарда — айтилди, халқнинг орзу-армонларини шеърини йўсинда ифодалаш мумкин бўлмаган зўравон тузумлар исканжасида халқ шоирлари халқнинг дардини куйлашга ҳаракат қилди.

Уша йилларда устоз Абдулла Орипов "Кўшиқ учар эди кўнда беармон, Учарди янграбтиб осмон, уфқни. Бақирдор одамлар бир кун беомон, Ярадор қилдилар кўшиқни..." деб ёзаркан, "Мажруҳ турна мисол кулаб тушди у" сатри билан мустабид давр моҳиятини рўйирифт фоз қилиш баробарида асло умидсизликка тушмай, озода ва порлоқ замоналар келишига астойдил ишониб, ҳамманинг армонини шеърга солади:

*Шикаста юрак бу чекмасин озор,
Жаҳон шоирлари турар қошида.
Чоллар дуо қилса, оналар бедор
Алла айтиб чиқар унинг бошида.
Ҳамманинг армони — соғайсин кўшиқ,
Заррин қанотида чеврилсин осмон.
Шодлик билан тўлсин тўрт тала уфқ,
Кулги билан балқин бу қадим жаҳон.
Замон оғир эди, мустабид ва қабоҳат за-*

мон эди. Халқ нима жабру ситам кўрган бўлса, шоирлар, кўйчи-хофизлар ҳам шуни бошдан кечирди. Эл эгилса — кўшиқ ҳам эгилди, эл яшнаса — кўшиқ ҳам самоларда парвоз этди. Эл сўнса — сўнди, унса — унди. "Ўзбекистон боласига бўлса басдир Шерали, Ўқариқда варанглабтиб терадио теради" деб ёзилган экан салкам қирқ йил бурун битилган "Мен йўқотган дoston" номли шеърда.

Замонавий ўзбек шеърятини энг кўп назмиё бағишловлар Шерали акага атаб битилгани ҳам бежиз-беҳикмат эмас, албатта. Азиз устозларимиз Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиеванинг эътирофлари дил сўзларининг ўзи муҳташам бир китоб ва ё дoston бўлгулик.

Шу ўринда ажабтовор бир воқеани айтиб ўтасак. Устозларга ҳавас қилиб, мен ҳам "Кўшиқ" номли бағишловимни бир адабий анжуманда ўқиб берган эдим, балога дучор бўлдим-қолдим. Шеъринг "Кўна девонларга юзимни босиб, Уйлайман ҳаётнинг дард томонини. Ҳофизим, Навоий тириж бўлганда, Сизга кийгизарди ўз чопонини" деган якуний сатрлари шоир акалардан бирига ёқмади шекли, жигибийрони чиқиб, "Навоий бобо улус

ва табаррук зот, у кишининг чопонини ҳар кимга ҳам кийгизавермаслик керак!.." дея сапчилигандай бўлди, даврага чўккан нуқулдай вазиятдан ҳозиржавоб ва хушёр адби-миз Неймат Аминов кўтқариб қолди: "Ҳечтима қилмайди, — деди у киши. — Навоий бобо ваазир бўлганлар, чопонлари ҳам кўп бўлган ахир, битта-яримта йиртиқ-ямоқ чопонларини Шералижонга кийгизсалар давлатлари камайиб қолмайди. Парво қилманг, укажон. Ҳечтима қилмайди, Арзийди. Арзийди..."

Бу гурунларга ҳам ўттиз беш-қирқ йиллар бўлибди. Қанча сувлар оқиб ўтди. "Армонга айланди Сиз борган тўйлар" дейилганидай, юқорида айтилган газалга қайтадиган бўлсак, тўқсонинчи йилларнинг охирида бундай бағишловларни вақтли матбуотда чоп этишининг ҳеч иложи бўлмаган эди... "Замон оғир, тўним тор эди", деб ёзганда ўша пайтлар Мухаммад Юсуф.

Фақат... Янги давру замоналардагина... Бундан тўрт-беш йиллар муқаддам... Бир кун кутилмаганда "Ўзбекистон - 24" телеканалининг муҳбири суюнчи олди: "Бугун кечкурун кўринг. Шерали ака билан суҳбат бераямиз..." Яна бошқа суҳбатлар, чиқиш-

лар. Концерт ва анжуманлар. Биласизми, уларнинг бирида ҳофиз нима деди? "Ўз замонинг рост этар қавми мардлар асликим", деди. Кўзда ёш билан айтди. Бу замон — янги замон, деб айтди. Бу замонларни биз тушларимизда кўрганмиз, орзу қилганмиз, армон қилганмиз, деди. Эркин ака, Абдулла ака кўролмай, армон билан кетди, деди. Худого шукр, биз кўрдик, болаларимиз, фарзандларимиз кўрди, деди. Ўв биродарлар, қадрига етайлик бу замонларни, бир-биримизга чоқ қазини бас қилайлик, замонга боқайлик, дунёга қарайлик, замонга ёрдам берайлик, эли, юртин кўтарайлик, деди...

Бугун ўт эгаси шаънига, янги Ўзбекистонимиз шаъну шавкати ҳақига айтилаётган, билдирилаётган барча орзу-ниятлар, эзу тилқару дуолар оғир ва машаққатли даврларда эл дардини куйлаган эл санъаткорларига ҳам таалулики, бевосита дахлдордир деб ўйлаймиз. Биз бу кунларга, бу давру замоналарга осонликча етиб келганимиз йўқ. Буни ҳар биримиз юрак-юрақдан ҳис қилиб, англаб яшамоғимиз керак. Дуоларга ижобат, улуғларимизга умр, фарзандларимизнинг бахту камолини берсин, деймиз.

МУБОРАК ОЙ МОҲИЯТИГА МОНАНД ТАШРИФ



Мақтаб-интернатда юртимиздаги шундай ижтимоий муассасалардаги шароитларни яхшилаш бўйича манфаатли видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Ушбу йиғилишни Президентимиз Курьонни қаримнинг "Раҳмон" сурасидаги "Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир", деган оят билан бошлади. Ҳақиқатан, шундай. Хайрли ишга қўл урган киши борки, албатта, мукофотга сазовор бўлади.

Динимизда Ўзгаларга яхшилик қилиш, ўзи яшаб турган жамиятдаги инсонларнинг ҳолатини чиқариш, улардан турли хил мушкулларни аритиш фазилатли иш саналади. Жумладан, Пайгамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам: "Фарзларни адо қилишдан кейинги ўринда турадиган Аллоҳга энг суюкли турган амал бу мусулмоннинг қалбига хурсандчилигини киритишидир", дедилар. Дарҳақиқат, кишиларга бериладиган савабларнинг даражаси амалга қараб белгиланади. Энг саваби кўп амал бу фарз ҳисобланса, бошқаларга яхшилик улашиш ундан кейинги ўринда турадиган улуг ибодатдир!

Бошқа бир ҳадиси шарифда бундай дейилади: "Бир биродарим билан бирор ҳолати юзасидан бирга пийда юришим мен учун мана бу масжидда — яъни Мадина масжидида — бир ой эътиқоф ўтиришимдан суюклидир". Ушбу ҳадис ҳар бир инсонни бошқаларга яхшилик қилишга ундаши, шубҳасиз. Зеро, буюк бобокалонимиз Ҳазрат Алишер Навоий айтди:

*Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлағай,
Онча борким, Каъба вайрон ўлса, обод айлағай.*

Кўнглимизни янада нурафшон этгани — инсон қадрини улуғлаш, меҳр ва ёрдам муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш — давлатимиз ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналиши. Бу борада олиб борилаётган хайрли ишлар ифодасини давлатимиз раҳбарининг Олмасор туманига ташрифи жараёнида яна бир бор кўрдик, чўкур ҳис қилдик.

Аллоҳ таоло Рамазон ойини азиз диёримиз ва халқимиз учун ҳам хайрли ва манфаатли қилсин.

Ҳомиджон ИШМАТБЕКОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари.



Давлатимиз раҳбари кунга кеча фармацевтика тармоғини ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда юртимизда ишлаб чиқариладиган дори воситаларини кўпайтириш, бундай маҳсулотлар экспортини ошириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

Айни пайтда "Ўзэкспомарказ" марказий кўргазмалар мажмуида бўлиб ўтаётган "Соғлиқни сақлаш — ТИНе 2022" халқаро тиббиёт кўргазмаси ана шу вазифалар ижроси учун кенг майдон вазифасини ўтмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати маълумотларига кўра, кўргазмада дунёнинг ўн беш мамлакати — Германия, Ҳиндистон, Испания, Туркия, Хитой, Жанубий Корея, Латвия, Покистон, Польша, Россия, Беларусь, Чехия, Қозғоистон ва Қирғизистондан ташриф буюрган 150 та компания вакиллари ўз маҳсулотлари билан иштирок этипти. Ўз навбатида, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган 40 та маҳаллий компания ҳам тиббий асбоб-ускуналар, дори-дармонлар, фармацевтика санъати ҳамда стоматология йўналиши учун мўлжал-

ланган технологиялар, лаборатория жиҳозларини намойиш қилмоқда.

14 апрелга қадар давом этадиган халқаро кўргазма доирасида "Соғлиқни сақлашда замонавий технологиялар" мавзuida илмий-амалий семинар ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

Маъжур кўргазма маҳаллий қорхоналаримизнинг халқаро фармацевтика бозоридаги иштирокини кенгайтириб, Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.

(«Халқ сўзи»).

Ғалат куй изламанг мендан, ки мен шарқона айтарман

Дилимнинг дардини, дўстлар,
ажиб меҳмона айтарман,
Келар жонлар, кетар жонлар —
жамул инсона айтарман.

Баланд этмоқ учун номин
яралмиш ер билан осмон,
Анинг пастиқларин гоҳ ер,
гаҳи осмона айтарман.

Тўқарда бағрини боғлар
самарсиз кетмагай бир барг,
Самар топ, деб неча боғу
неча бўстона айтарман.

Хатоим излабон ўтди
неча ёру ҳабибим ҳам,
Шунингдирким, тилим шоду
дилим гирёна айтарман.

Яралгай жисм аро чексиз
Ватандай мангу оҳанглар,
Ғалат куй изламанг мендан,
ки мен шарқона айтарман.

Кўшиқ кенгликларин кезсам,
азал ошифта элдир бу,
Самарқанд Андижону
Хоразм, Сурхона айтарман.

Кийикнинг кўзлари янглиғ
кўзингдан кетмагайман, ёр,
Яширсанг ҳам неча йиллар,
бўлиб пинҳона айтарман.

Кўнглини сим-сиёх тунлар
сиёхидан гиёҳ айлаб,
Сиёх зулфлар аро ул сим-
сиёх райҳона айтарман.

Менинг созим таалуқу
макон ё бир замон эрмас,
Келиб кетувчи қарвонлар,
ҳама даврона айтарман.

Сирожиiddин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири.

ШОВРУҒЛИКЛАРНИНГ ЎТТИЗ ЙИЛЛИК ОРЗУСИ АМАЛГА ОШДИ

"Анджон сув таъминоти" масъулияти чекланган жамияти жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда 30 км. масофада янги сув қувурларини тортиб, 24 та сув қудугида таъмирлаш ишларини олиб берди.

Таъминот

Жумладан, энг чекка ҳудудлардан саналган Пахтабод туманидаги Шовруқ кишлоғи аҳлининг ҳам ўттиз йиллик орзуси амалга ошди.

— Аҳоли ичимлик сувини узок

масофадан ташиб келар, баъзан ариқдаги сувни истеъмол қилиш ҳолатлари кузатилади, — дейди "Шовруқ" МФЙ раиси Манзурахон Тоирова. — Худудимизда 8 км. масофага янги сув қувури тортилиб, бу муаммо барҳам топди. Ҳозирда сув кириб бормаган хонадонимиз қолмади.

— Ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида олиб борилаётган бундай саъй-ҳаракатлар вилоятдаги 72 та маҳаллада давом эттирилмоқда, — дейди "Анджон сув таъминоти" МЧЖ матбуот хизмати раҳбари Марҳаб Насриддинова. — Йил давомида вилоят миқёсида жами 138 миллиард 556 миллион сўм маблаг ҳисобига 42 та объектида 487,6 км. ичимлик сув тармоғини тортиш, 73 донга сув иншоотини қуриш режалаштирилган. Бунинг на-

тижасида 93,6 минг нафар аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланган, 286 минг нафар истеъмолчиларнинг сув таъминоти барқарорлашади. Йил якунига қадар аҳоли манзилларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражасини 85 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Исрофгарчиликка йўл қўймасликнинг асосий шартларидан бири замонавий сув ҳисоблаш ускуналаридан фойдаланиш бўлиб, вилоятда бу йўналишда ҳам қатор ишлар

амалга оширилмоқда. Хусусан, шу йилнинг ўтган даврида 21 мингдан ошди хонадонларга ана шундай ускуналар ўрнатилди. Дастлабки ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, бунинг натижасида аҳоли ичимлик сувини тежаш баробарида фойдаланилган сув учун тўловлари 4-5 баробар китисод қилмоқда.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

Танлов

БАҲОРИЙ ИЛҲОМ САРЧАШМАЛАРИ

Пойтахтимизда "Ассалом, Наврўз — янгилиниш, меҳр-оқибат ва қадр-қиммат айёми!" шiori остида ўтказилган танловнинг тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил қилинган танловда "Энг яхши ижтимоий ролик", "Энг яхши шеър ижроси" (видеоматериал шаклида) ҳамда "Энг яхши фотосуратлар" номинациялари бўйича голиблар тақдирланди.

Ижодий беллашувга 715 нафар номзоддан жами 3 мингта яқин ижодий иш келиб тушган. Ушбу баҳорий илҳом сарчашмалари мавзу долзарблиги, Наврўз умулхалқ байрамининг ижтимоий аҳамияти, мамлакатимизда "Ассалом, Наврўз — янгилиниш, меҳр-оқибат ва қадр-қиммат айёми!" деган бош го асосида миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишларни, халқимиз ҳаётида юз бераётган ижодий ўзгаришлар қай даражада очиб берилганига қараб баҳоланди.

Тақдирда танлов голибларига пул мукофотлари топширилди.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Янгиланаётган Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Мақтаб таълимини ислоҳ қилиш, ўқувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлаш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар бу борада муҳим чора-тадбирлар ҳисобланади.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Халқ таълими вазирлиги, Халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази, Иқтисодий ҳамкорлик ва тарақиёт ташкилоти (ИХТТ), Жаҳон банки, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО ташкилотлари ҳамкорлигида "Таълимдаги халқаро тадқиқотларнинг Янги Ўзбекистон тарақиётидаги ўрни" мавзuida ташкил этилган халқаро анжуманда шу ҳақда сўз берди.

Конференция

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари "Янги Ўзбекистон — мақтаб остонасида, таълим-тарбия тизимидан бошланади" деган эзгу го асосида халқ таълими соҳасини тубдан ислоҳ қилишга катта аҳамият қаратмоқда.

Юртимизда ўқув дастурлари, дарслиқлар, ўқитиш методикаси ва таълим натижаларини баҳолаш тизимини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш бўйича ишлар бошлаб юборилган.

Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан таълим сифатини баҳолаш тизими тубдан такомиллаштирилди. Жаҳон банки ва ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда ўқувчилар салоҳиятини ижодкорлик,

мантийкий фикрлаш, билимларни реал ҳаётини муаммоларни ечишда қўллаш, гуруҳда ишлаш ва бошқа кўникмалар асосида баҳолашга қаратилган миллий баҳолаш тизими ишлаб чиқилмоқда. Таълим сифатини яхшилашда аниқ илмий тадқиқот натижаларига таянилмоқда.

Бирок бугунги кунга қадар мамлакатимизнинг таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларда иштирок этмагани мавжуд ҳолатни халқаро даражада баҳолаш, бошқа давлатлар билан таққослаш ва таҳлил қилиш имконини чеклаб келаётган эди. Президентимиз ташаббуси билан бу борада ҳам илқ қадамлар ташланди.

Хусусан, 2018 йилда Таълим инспекцияси ҳузурида Халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази ташкил қилиниб, унга умумтаълим муассасаларининг халқаро тадқиқотларда иштирокини таъминлаш вазифаси юкланди.

Ўтган давр мобайнида Иқтисодий ҳамкорлик ва тарақиёт ташкилоти (OECD) ҳамда Таълимдаги ютуқларни баҳолаш халқаро ассоциацияси (IEA) билан имзоланган келишувларга мувофиқ, Ўзбекистон илк маротаба PISA, TALIS, PIRLS ва TIMSS халқаро дастурларида иштирок этмоқда.

2021 йилда мамлакатимиздаги 83 та мақтабда PISA тадқиқотининг тажриба-синновлари ўтказилди. Эндиликда танлаб олинган 202 та таълим муассасасида жорий йилнинг апрель-май ойларида асосий синов жараёнилари ташкил этилади.

Конференцияда Ўзбекистонда PISA — 2022 асосий синов жараёнининг рамзий очилиш маросимидаги старт берилди. Тадбирда Иқтисодий ҳамкорлик ва тарақиёт ташкилоти бош котибининг таълим сиёсати бўйича махсус маслаҳатчиси, PISA тадқиқоти асосини

Андреас Шляйхер бош маърузачи сифатида қатнашди.

— Ёшлар — ҳар бир мамлакатнинг келажаги, — дейди Андреас Шляйхер — Уларни катта ҳаётга тайёрлаш, етук мутахассис қилиб тарбиялашга устувор аҳамият қаратилиши керак. PISA — ўқувчиларнинг айна ҳаётга қанчалик тайёрлигини баҳолайдиган тизим. Яъни тадқиқотларимиз 15-16 ёшли ўқувчиларнинг математика, табиий-илмий, ўқиш саводхонлиги ва креатив фикрлаш қобилиятини баҳолашга қаратилган. Жараёнлар Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида танлаб олинган мақтабларда компьютер ёрдамида ўтказилди. PISA тадқиқотлари ҳар бир мамлакатта таълимдаги кучли ва заиф томонларни дунё таълим тизими билан қиёслаш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва ҳаётга таъбиқ этиш имконини беради. Шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб қилишда муҳим омили саналади. Чунки инвесторлар мамлакатда билимли, малакали кадрлар борми, деган саволга бу тадқиқот натижалари орқали жавоб топади.

Ўзбекистондаги тадқиқотлар орқали юртингиздаги таълим тизими, муҳити, ўқув жараёнининг ташкил этилиши, ўқувчиларнинг танқидий ва ижодий фикрлашлари, эгалланган билимларини ҳаётда қўллай олиш қобилиятлари, ота-оналарнинг фарзандлари таълим олишига эътибори ва уйда яратилган шароитлари бўйича атрофлича илмий асосланган ва ишончли маълумотлар олишга эришиш қўзланган. Мавжуд муаммолар аниқлиниб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилади.

Конференция қизгин кечди. Таълим тизимини такомиллаштиришда миллий ва халқаро баҳолаш дастурларининг, хусусан, PISA — 2022 баҳолаш дастурининг аҳамияти, ундан қутилаётган натижалар, инсон капиталини ривожлантириш, Ўзбекистоннинг халқаро тадқиқотларда иштирок этиш ҳолати ва истиқболдаги режалар билан боғлиқ маърузалар ҳамда савол-жавоблар йиғилинганларда катта таассурот қолдирди.

Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Наш индекси — 229. Бюролма Г — 448. 31 726 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқат маълумотларини қўллаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Ташрифта келган кўзбўлма тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.53 Топширилди — 00.55 1 2 3 4 5 6